



Types of investigative actions and their features: problem and analysis

Alisher IMOMNAZAROV ¹

Academy of Law Enforcement Agencies of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2023
Received in revised form
15 May 2023
Accepted 15 June 2023
Available online
25 June 2023

Keywords:

inspection,
examination of the scene,
corpse, animals,
terrain, premises,
objects and documents,
vehicles, digital
(electronic) data

ABSTRACT

The article analyzes the types of investigative actions, new types of vehicles, and digital (electronic) data. In addition, the classification of types of investigative action is described and objects are described.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss3-pp107-123>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license
(<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турлари ва уларни ўзига хос жиҳатлари: муаммо ва таҳлил

АННОТАЦИЯ

Мақолада кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турлари, транспорт воситаларини ҳамда рақамли (электрон) маълумотларни кўздан кечириш сингари унинг янги турлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турларини таснифи изоҳланган ҳамда объектлари изоҳланган.

Калит сўзлар:

кўздан кечириш, ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонлар ва уларнинг жасадларини ёки улардан қолган изларни, жиноят ишга алоқадор теварак-атрофни, биноларни, ашёвий далил ҳисобланган нарса ва предметларни ёки ҳужжатларни, транспорт воситаларини, рақамли (электрон)

¹ Independent researcher, Academy of Law Enforcement Agencies of the Republic of Uzbekistan

маълумотларни кўздан
кечириш.

Виды следственных действий и их особенности: проблема и анализ

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

осмотр,
осмотр места
происшествия,
трупа, животных,
местности, помещений,
предметов и документов,
транспортных средств,
цифровых (электронных)
данных

В статье проанализированы виды следственного действия, новые виды транспортных средств и цифровые (электронные) данные. Кроме того, описана классификация видов следственного действия и описаны объекты.

Замонавий жиноятчилик тобора такомиллашиб, ривожланиб, уюшган шаклларда намоён бўлмоқда. Бу сўнгги йилларда ривожланиб бораётган криминоген вазиятни яхшилашга имкон бермаяпти. Жиноятчилик даражаси, унинг сифат кўрсаткичларининг кескин ўзгариши, жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнига қарши туриш усулларининг фаоллашиши ва такомиллашиши, умуман, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий ва ҳуқуқий таъсир чораларига фаол қаршилиқ кўрсатишда давом этмоқда.

“Ҳозирги шароитда жиноятларни тергов қилишда ижобий натижаларга эришиш кўп жиҳатдан тергов ҳаракатлари тактикаси билан белгиланади, чунки улар ёрдамида жиноят ишлари бўйича далиллар базаси шакллантирилади”.

Нафақат жиноятларни тергов қилишнинг қандай бориши, балки жиноят иши бўйича якуний ҳукм ҳам ушбу тергов ҳаракатларининг қай тариқа бажарилиши ва тергов давомида олинган натижаларни рўйхатга олиш сифатига бевосита боғлиқ.

Бироқ, амалда рўй бераётган назарий ва қонунчиликдаги бўшлиқлар кўздан кечириш тергов ҳаракати давомида турли хил қонунбузарликларга, хатоликларга олиб келади, бунинг натижаси эса муайян жиноят иши бўйича терговнинг умумий натижасига таъсир этмай қолмайди.

Жиноятни очиш ва жиноятчиларни фош этишда ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ичида кўздан кечириш алоҳида ўринни эгаллайди. “Айтиш мумкинки, кўздан кечириш тергов ҳаракати тергов ҳаракатларининг юраги ҳисобланиб, айнан у туфайли жиноят ишини очиш учун зарур бўлган асосий ашёвий далиллар қўлга киритилади”.

Кўздан кечириш - жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиришдан иборат бўлган тергов ҳаракати ҳисобланади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати йиғинди тушунча бўлиб, у ўз ичига бир қатор турларни қамраб олади. Жумладан:

- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;
- мурдани кўздан кечириш;

- ҳайвонлар ва уларнинг жасадларини ёки улардан қолган изларни кўздан кечириш;
- жиноят ишга алоқадор теварак-атрофни, биноларни кўздан кечириш;
- ашёвий далил ҳисобланган нарса ва предметларни ёки ҳужжатларни кўздан кечириш;
- транспорт воситаларини кўздан кечириш;
- рақамли (электрон) маълумотларни кўздан кечириш.

Охирги икки объект кўздан кечириш тури сифатида ЖПКга киритилмаганлигини инобатга олиб, ЖПКнинг кўздан кечириш учун асослари деб номланган 135-моддасига унинг тури сифатида **транспорт воситаларини ҳамда рақамли (электрон) маълумотларни** киритиш таклиф қилинади. Шунда ушбу норма қуйидагича бўлади:

*“Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, **транспорт воситасини**, нарсалар ва ҳужжатларни, **электрон (рақамли) маълумотларни** кўздан кечиради”.*

Шунингдек, тирик одам баданини кўздан кечириш гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қоидаларига асосланган ҳолда (ЖПКнинг 142 - 147 ва 172 - 187-моддалари) амалга оширилади.

Бундан ташқари почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ЖПКнинг 167-моддасига асосан амалга оширилади.

Ҳуқуқшунос олимлар кўздан кечириш турлари бўйича бир қатор ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирганлар.

Шунингдек, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг **турларини таснифлаш** бўйича ҳам яқдиллик мавжуд эмас. Анъанага кўра, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турларини таснифлаш учун асослардан бири кўздан кечириш **объектлари** ҳисобланади. Шу асосда, “бундай текширув турлари одатда ҳодиса содир бўлган жойни, объектларни, ҳужжатларни, мурдани, ҳодиса жойи бўлмаган ҳудудларни ва биноларни текшириш сифатида ажратилади”. Кўздан кечиришнинг ушбу турлари кўплаб олимлар томонидан батафсил ўрганилган, криминалистик адабиётларида тўлиқ ёритилган ва биз бу борада ҳеч қандай эътироз билдирмаймиз.

Бундан ташқари, “**кўздан кечириш объектлари** (турлари) бўйича бир қатор муаллифлар қуйидагиларни ажратиб кўрсатишади: изларни текшириш”; ҳайвонлар ва уларнинг жасадларини текшириш; транспорт воситаларини текшириш; “машиналар ва механизмлар, сув ва ҳаво муҳити, ҳашаротлар, ўсимликлар, асори-атиқалар; энергия иншоотлари”; “тирик одамларни текшириш”.

Кўздан кечириш турларига объектларни кўздан кечиришни ҳам киритиш мумкин. Жиноятга алоқадор нарса ва ҳужжатларни улар топилган жойда ёки кўп вақт, техник воситалар талаб қилса бошқа жойда кўздан кечирилади.

Биз моддий дунё объектларининг (кўздан кечириш турларини) криминалистик мақсадлар учун ҳаддан ташқари бўлақларга бўлинишига қаршимиз. Изларни текшириш (моддий излар) объектлар, ҳужжатлар, ер участкалари ёки биноларни текширишдан алоҳида тур ҳисобланмайди. Сув ёки ҳаво муҳити одатда ҳодиса жойини кўздан кечириш доирасида амалга оширилади. Бизнингча, бу объектларни мустақил тур сифатида ажратишнинг ҳожати йўқ.

Криминалистикада кўздан кечиришни таснифлаш учун бошқа асослар мавжуд. Шундай қилиб, Р.С.Белкин ҳодиса жойини кўздан кечиришни дастлабки, такрорий ва қўшимча турларга ажратади. Бошқа адабиётлар ва илмий тадқиқот ишларида ҳам кўздан кечириш турлари фарқланади.

Қизиғи шундаки, агар криминалистик адабиётларда одатда **дастлабки, такрорий ва қўшимча кўздан кечиришнинг шакллари** моҳияти очиб берилган бўлса-да, уларнинг асосийси ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. О.Я.Баев кўздан кечиришнинг асосийси, қоида тариқасида дастлабки кўздан кечиришдир деб таъкидлайди. Аввал кўздан кечирилган объектни қўшимча кўздан кечириш зарурати, моҳиятига кўра, такрорий кўздан кечириш сабабларига кўра тайинланади. Савол туғилади, такрорий кўздан кечириш асосий бўлиши мумкинми? Бизнингча, мумкин. Шу билан бирга, қўшимча кўздан кечиришнинг сабаблари ҳам такрорий билан жуда яқиндир. Шундай қилиб, кўздан кечириш турларини кетма-кетлик билан ажратиш мақсадга мувофиқ: бирламчи ва такрорий, улар ўз навбатида ҳажмига қараб: асосий ва қўшимча.

Фикримишча, қўшимча кўздан кечириш – дастлабки кўздан кечириш объектнинг тафсилотлари ўрганилмаган, жараёнда бўшлиқлар, ҳаракатлар тўлиқ амалга оширилмаганда ўтказиладиган кўздан кечиришнинг процессуал тури ҳисобланади.

Такрорий кўздан кечириш – объектни самарали кўздан кечириш учун бирламчи кўздан кечириш ноқулай шароитларда ўтказилганда, янги маълумотлар олишга эҳтиёж сезилганда, сифатсиз амалга оширилганда ўтказиладиган кўздан кечириш туридир.

Айтиш жоизки, юқорида қайд қилинган тергов ҳаракатининг турлари бирига ўхшаш ва фарқ қилувчи белгиларга эга. Уларнинг ўхшаш томонлари шундан иборатки, терговчи кўздан кечиришнинг ҳар бир турида содир этилган жиноят ҳодисаси ҳақида воқеликка тўғри келадиган маълумотларни асослайди. Бунда терговчи шахсан ҳодиса юз берган жойдаги ҳолатларни бевосита кузатади, уларни ҳис қилади, эшитади, ўрганади ва баҳо беради. “Бўлиб ўтган ўзгаришларни қайд қилади ва дастлабки тадқиқ жараёнларини бошлаб юборади”.

“Кўздан кечиришнинг аҳамияти бу тергов ҳаракатининг ўзига хос бўлган хусусиятлари билан боғлиқ”. Терговчи ҳодиса содир этилган жойда ҳақиқатдан ҳам жиноят содир этилган ёки этилмаганлиги ҳолати ва унга сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаш бўйича тергов ҳаракатлари ўтказади.

“Кўздан кечиришнинг барча турлари ягона тамойилга асосан амалга оширилади”. Мазкур тамойилга кўра ҳодиса содир этилган жойда кўп ҳолларда моддий из ва бошқа ашёвий далил сифатида жиноятчининг излари қолади. Бу изларни ва бошқа ашёвий далилларни қидириб топиш ва уларни процессуал қонун асосида ишга қўшиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу ашёвий далиллар тўплангандан кейин терговчи содир этилган жиноятни очиш учун керакли маълумотларга эга бўлади. Ҳодиса содир этилган жойини кўздан кечиришда тўпланган ашёвий далиллар терговчига жиноятни очиш ва тергов ҳаракатларини олиб бориш имкониятини беради.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш.

“Ҳодиса жойини кўздан кечириш, терговни тўғри ташкил этиш, версияларни тузиш ва уларни текшириш ҳамда лозим бўлган ҳолатларни аниқлашга имкон берадиган тергов ҳаракатидир”.

“Ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳар бир тергов қилинаётган жиноят иши бўйича ўзига хос хусусиятга эга”. Терговчи ушбу хусусиятларга биноан ўтказиладиган тергов ҳаракатини содир этилган муайян ҳолатга қараб ҳал этади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг **умумий вазифаси** юз берган жиноят воқеаси ҳолатлари, унга дахлдор шахслар ва объектлар, уларнинг ўзаро алоқалари ва ҳаракатлари тўғрисида фактик маълумотларни процессуал йўл билан олишдан иборат.

Ушбу вазифани самарали ҳал қилиш учун терговчи:

1) текширилаётган воқеа қандай шароитларда юз берганини аниқлаши, уларни баённомада ва техник-криминалистик воситалар ёрдамида қайд этиши;

2) жиноятнинг моддий изларини аниқлаши, қайд этиши ва олиб қўйиши;

3) излар ва нарсаларнинг жиноятчи, жабрланувчи ва бошқа субъектлар ва объектлар билан алоқасини аниқлаши;

4) айбдор шахсни аниқлаш, қидириш ва фош этиш, бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш, суд экспертизаларини тайинлаш учун бошланғич ахборотни тўплаши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида ҳал этиладиган **махсус вазифалар**:

а) воқеа гувоҳлари ва шоҳидларини аниқлаш;

б) жиноятчида, у фойдаланган қурол ва транспорт воситаларида қолиши мумкин бўлган изларни аниқлаш;

в) “ушбу жой объектлари ва жиноят содир этилган пайтда шу ерда бўлган шахсларнинг алоқасини аниқлаш учун ҳодиса содир бўлган жойдан олиниши лозим бўлган тупроқ, ўсимлик, сув ва ҳоказоларнинг намуналарини белгилаш”.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда риоя қилинадиган принциплар: “амалга оширилаётган ҳаракатнинг қонунийлик; тергов ҳаракатини амалга оширишдаги ягона раҳбарлик; терговчининг фаоллиги; кўздан кечиришнинг ўз вақтида амалга оширилиши; тўлиқлилик; кечиктириб бўлмаслик; вазиятлилик; тегишли криминалистик техник воситаларнинг қўлланилиши; мутахассислар хизматидан фойдаланиш”.

Ҳодиса рўй берган жойни кўздан кечириш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади: тайёргарлик, ўтказиш ва якуний босқичлар.

Тайёргарлик босқичи ҳодиса содир бўлган жойга боришдан олдинги ва ҳодиса содир бўлган жойга келгач тайёргарлик кўриш жараёнларини қамраб олади.

Кўздан кечиришни ўтказиш босқичи статик ва динамик кўздан кечиришни назарда тутди.

“Якуний босқич баённома, схемалар, режаларни тузиш, изларни, ашёвий далилларни олиш жараёнларидан иборатдир”.

Воқеа жойини кўздан кечиришда терговчидан бу соҳада маҳорат билан ўз вақтида тезкор-қидирув ҳаракатларини ўзаро ҳамкорликда амалга оширишни талаб этади. Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг умумий тактик қоидалари бор. Уларга кўра, кўздан кечириш объектив бўлиши керак. Терговчи жиноят иши билан боғлиқ бўлган ҳолатларни ҳар тарафлама ўрганиб, тўпланган материалларга объектив баҳо бериши лозим. Терговчи иш билан боғлиқ бўлган айрим фактларни, ашёвий далилларни иккинчи даражали далил деб ҳисоблаши мумкин эмас.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришни кечиктирмасдан, ўз вақтида амалга ошириш керак. Терговчи жиноий ҳодиса содир этилганлиги тўғрисида хабар олгандан кейин дарҳол ҳодиса жойига етиб бориши лозим. Ҳодиса жойини кўздан кечиришга чиқишни кечиктириш, жиноий ҳодиса содир этилган ҳолат ва вазиятнинг ўзгариб кетишига олиб келиши мумкин. Баъзи жиноятлар бўйича ҳодиса жойидаги ҳолат узоқ муддатга сақланиб турмайди. Автотранспорт ҳодисаси, бахтсиз ҳодисалар бунга мисол бўла олади. “Бундан ташқари, ҳодиса

жойига чиқишни кечиктириш жиноий ишдан манфаатдор бўлган шахслар томонидан ашёвий далилларнинг йўқотилиши ёки воқеа ҳолатининг ўзгартирилиб юборилишига олиб келиши, об-ҳаво ёмғир, қор ва бошқалар таъсирида баъзи излар йўқ бўлиб кетиши мумкин”. “Кўздан кечиришнинг ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши ҳодиса жойи ҳолатини тўлиқ текшириш ва бирорта ҳам ашёвий далилнинг назардан четда қолдирмасликни таъминлайди”.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда жабрланувчи ва гувоҳ иштирок этишининг ўзига хос хусусияти бор. Улар ҳодиса содир бўлган ҳолатни ўз кўзлари билан кўриб, идрок этиб, бўлган ҳодисани тўғри баён қилиб беришлари мумкин. Ҳатто, улар ҳодиса жойини кўрсатиб, барча содир этилган ҳолатлар тўғрисида аниқроқ маълумот беради.

Бундай ҳолда текшириш мазмунан мустақил тергов ҳаракатини ташкил этади. Кўпинча алоҳида буюмлар улар топилган жойида кўздан кечирилган-кечирилмаганлигидан қатъи назар, терговчи томонидан қайтадан кўздан кечирилиши мақсадга мувофиқдир.

Кўздан кечириш шундай ўтказилиши керакки, терговчи иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ашёларнинг энг кичик белги ва хусусиятларини йўқотиб қўймаслиги лозим.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш – “кўздан кечириш тергов ҳаракатининг бир тури, жиноят-процессуал кодексда мустаҳкамланган тергов ҳаракати, шунинг учун бу дастлабки, тергов ҳаракатлари мажмуи бўла олмайди. Тезкор-қидирув чоралари мажмуи сифатида кўздан кечириш ҳақида гапириш ҳам нотўғри”.

Ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечиришда иштирокчиларнинг фаолияти турли тадбирларнинг мураккаб мажмуасидан иборат. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: жабрланганларга ёрдам кўрсатиш; жиноят оқибатларини бартараф этишга қаратилган чоралар; ҳодиса гувоҳлари ва бошқа шахсларни сўроқ қилиш; вазиятни батафсил ўрганиш; атрофни, ҳудуд ва биноларни ўрганиш, қидирув итларидан фойдаланиш, бошқа ташкилий ва тезкор қидирув тадбирлари ўтказиш. Бироқ, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда баъзи иштирокчиларнинг фаолияти процессуал бўлмаган шаклда (текширувга параллел равишда ўтказилган тезкор-тергов тадбирлари доирасида), бошқалари эса процессуал тарзда амалга оширилади. Кўздан кечириш Жиноят-процессуал кодексининг нормаларига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик энциклопедияларда “ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жиноят содир этилган бино ёки ҳудудни ёки унинг излари топилган жойни бевосита ўрганишдан иборат тергов ҳаракати сифатида тушунилади”. Бу таърифнинг камчилиги шундаки, фақат хона ёки майдон кўздан кечириш объекти дейилган ва ҳодиса жойини кўздан кечириш доирасида ўрганилган бошқа объектлар (сув ости муҳити, ер ости табиий тузилмалари ва сунъий иншоотлар) ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Ҳодиса жойини кўздан кечириш билан бошқа тергов ҳаракатларининг фарқи нимада эканлиги аниқ эмас, чунки тинтув, тергов эксперименти ва кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш вақтида ҳам жиноят содир этилган хонани ёки ҳудудни ёки унинг изларини топиш мумкин. Қолаверса, бино ёки ҳудудни ким ўрганаётгани умуман аниқ эмас.

Бу борада Колмаков аниқроқ баён этган, у ҳодиса жойини кўздан кечиришни тергов ҳаракатлари деб тушуниш керак деб ҳисоблаган, бунда терговчи қонунда кўрсатилган шахслар билан биргаликда ҳудудда ёки хонада мавжуд бўлган моддий объектларнинг ҳолати, белгилари ва хусусиятлари, бу ерда излар ва бошқа ашёвий далилларни топиш, вазиятни ва ишдаги ҳақиқатни аниқлаш учун муҳим бўлган барча ҳолатларни бевосита идрок қилади, текширади, қайд этади ва баҳолайди.

Умуман олганда, ушбу таъриф баъзи камчиликлардан холи эмаслигини таъкидлаймиз. Шундай қилиб, “В.П.Колмаков ва ундан кейин бошқа кўплаб криминалистлар” “терговчининг (ва қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг)” моддий объектларнинг ҳолати, белги ва хусусиятларини тўғридан-тўғри идрок этишлари ҳақида гапиришади.

Р.С.Белкин ҳодиса жойини кўздан кечиришда ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳолатини аниқлаш, қайд этиш ва ўрганиш, жиноят ва жиноятчи излари ва бошқа далиллар билан биргаликда воқеа механизми ҳамда тергов қилинаётган ҳодисанинг бошқа ҳолатлари тўғрисида хулоса чиқариш имконини берадиган бошқа фактик маълумотларни аниқлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати сифатида изоҳлаган. Фикримизча, ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечириш фақат жиноятчининг изларини аниқлашга қаратилган, дейиш мутлақо тўғри эмас. Дарҳақиқат, жиноятчи излари билан бир қаторда, ишда ҳақиқатни аниқлаш учун зарур бўлган қурбонлар, ҳайвонлар ва бошқаларнинг излари ҳам аниқланиши мумкин. Бундан ташқари, ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳодисанинг механизми ва бошқа ҳолатлари тўғрисида хулоса чиқаришга имкон берадиган ҳар қандай фактик маълумотларни эмас, балки моддий характердаги маълумотларни олишга қаратилган.

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш деганда фикримизча қуйидагилар тушунилади, **ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш** - ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳолатини аниқлаш, қайд этиш ва ўрганиш, жиноят ва жиноятчи излари ва бошқа ишга алоқадор далиллар билан биргаликда, воқеа механизми ҳамда тергов қилинаётган ҳодисаси ҳолатлари тўғрисида хулоса чиқариш имконини берадиган фактик маълумотларни аниқлашга қаратилган кўздан кечиришнинг бир тури.

Илмий-услубий адабиётларда ер участкалари ва биноларнинг батафсил таснифи мавжуд. Хусусан, аҳоли пунктларида жойлашган очиқ ерлар – кўчалар, майдонлар, боғлар, ҳовли жойлар ва бошқалар, шунингдек, аҳоли пунктларидан ташқарида катта қишлоқ хўжалиги ерлари, очиқ ерлар, транспорт ва пиёдалар йўллари ва бошқа жойлар ажратилган. Бинолар, турар жой, офис, саноат, чакана савдо, маданий-кўнгилочар ва ҳоказо мақсадлар бўйича фарқланади. Шунга кўра, ҳодиса содир бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъий назар, рўйхатга олинган объектларни текширишда уларни ажратиш мумкин ҳисобланади.

Нарсаларни кўздан кечириш.

Нарсаларни кўздан кечириш уларнинг умумий кўринишини ўрганишдан бошланиши керак. Терговчи муайян предметнинг ҳолатини, унинг мақсади ва номланишини ва зарур ҳолларда бундай объектдан фойдаланиш қоидаларини аниқлаши керак. “Кейинги кўздан кечириш жараёнида алоҳида хусусиятлар, камчиликлар ва бошқа белгилар, объектнинг қандай мақсадда ва интенсивликда ишлатилганлиги, шунингдек ушбу объектнинг содир бўлган воқеа билан бевосита боғлиқлигидан дарак берадиган белгилар аниқланади”.

Предметларни кўздан кечириш, қоида тариқасида, улар топилган тергов ҳаракатлари жараёнида амалга оширилади. Уларни кўздан кечириш кўпроқ вақт ва махсус шароитлар талаб қиладиган бўлса, уларни воқеа жойининг ўзида текшириш тавсия қилинади. Бундай ҳолларда объектларни кўздан кечириш мустақил тергов ҳаракати бўлади.

Кўздан кечириш предметнинг умумий ташқи кўринишини ўрганишдан бошланади ва синчковлик билан майда элементлари -- умумий ва хусусий белгилари, таркиби, жароҳат излари ва бошқалар текширилади. Асосий эътибор предметдан топилган микрообъектларга қаратилади, масалан, зўрлик ишлатиш

йўли билан содир этилган жиноятларда биологик излар муҳим рол ўйнайди. Бунда изнинг топилган жойини аниқ кўрсатиш, предметнинг ташувчилар билан алоқаси аниқланади. Ушбу маълумотлар келгусида изларни ўрганиш механизмини шакллантиришда асосий ўрин ўйнайди.

Микрообъектларни (изларни) “Ультрабинафша нурлари” деб номланган турли нур туширувчи қурилмалардан фойдаланган ҳолда излаш тавсия қилинади.

Кийимларни текшириш давомида унинг ташқи ва ички қисмлари ўрганилади. Кўпинча кийимлар ювилганидан сўнг ундаги турли хилдаги излар ички тарафига ўтиб қолган бўлиши мумкин.

Шунга қарамай, нарсаларни кўздан кечириш уларни экспертизадан ўтказишнинг ўрнини босмайди. Шунинг учун ҳисобга олган ҳолда кўздан кечириш давомида терговчи бутун эътиборини кейинчалик экспертиза тадқиқотлари объектига айланган изларни аниқлашга қаратиши керак, шунингдек текширилган объектга ишлов бериш қоидаларига қатъиян амал қилиши лозим, бу уларнинг ўзгармаслигини, хавфсизлигини ҳамда далиллик кучини кафолатлайди.

Ҳужжатларни кўздан кечириш.

“Кўздан кечиришнинг кейинги қўшимча тури ҳужжатларни кўздан кечириш ҳисобланади. Ушбу ҳаракатнинг мақсади ҳужжатларни ашёвий далил сифатида қабул қилинишига сабаб бўла оладиган белгиларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек ҳужжатларда қайд этилган иш учун аҳамиятга эга бўлган фактларни ва вазиятларни аниқлашдан иборат”.

Е.Н.Арестова “нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш улар ҳодиса содир бўлган жойдан ташқарида топилганда алоҳида ҳаракат сифатида ўрганилиши лозим деб ҳисоблайди”.

“Дастлабки босқичда терговчи аниқ бир ҳужжат ҳақида умумлаштирувчи фикрларни аниқлаб олиши керак:

- а) ҳужжат нимани ифодалайди;
- б) қаерда ва қандай сақланади;
- в) унинг ташқи кўриниши ва деталлари нималардан иборат;
- д) унинг келиб чиқиши қандай, кимдан ҳамда қаерга юборилганлиги”.

Терговчи ҳаракатларининг кейинги тактикаси ушбу ҳужжатнинг ишда қандай рол ўйнашига қараб фарқ қилиши мумкин, яъни бу ҳужжатнинг ашёвий далил ёки муайян факт ва ҳолатларни тасдиқлаш воситаси сифатида гавдаланишига боғлиқ.

Ҳужжатларни кўздан кечириш ҳужжатларни моддий далил сифатида кўриб чиқишга ва жиноят иши бўйича бирор-бир аҳамиятга эга бошқа нарсаларни топиш мақсадида ўтказилади. Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг бошида, аввало, ҳужжатнинг ташқи кўриниши, реквизитлари, асли келиб чиқиши диққат марказида бўлиши лозим. Процедуранинг кейинги босқичлари унинг табиати билан боғлиқ бўлади. Кўздан кечириш давомида ҳужжатнинг моддий далил эканлигига ишора қилувчи асослар мавжуд бўлса, унда кўздан кечириш давомида жиноят излари ёки жинорий ҳаракатнинг объекти бўлганлигини кўрсатувчи яққол белгиларни топиш шарт. Кўздан кечиришни амалга оширувчи шахс ўзи ёки мутахассис ёрдамида ҳужжатни керакли усуллар ва мавжуд техник воситалар (лупа, ультрабинафша ёритгич, электрон-оптик конвертор ва бошқалар)дан фойдаланиб ўрганади. Зарур ҳолларда ҳужжатни унинг дубликати, нусхалари билан таққослашга ҳам тўғри келади.

Ҳужжатларни ашёвий далил сифатида текширишда терговчи унинг мазмуни, шакли, материаллари ва алоҳида қисмлари, элементлари (имзо, муҳр, штамп изи ва бошқалар)ни ўрганиб, ҳужжатнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги

масалани ҳал қилиши керак. Сохталаштириш белгиларини аниқлаш учун махсус текшириш методларидан фойдаланиш лозим, айрим ҳолларда эса терговчи ёрдам учун экспертга мурожаат қилади. Ҳужжатнинг бутунлай уйдирмалиги ёки унинг қисман сохталигини кўрсатувчи барча белгилар (ўзгартиришлар, ўчиришлар, кўшимчалар ва бошқалар) кўздан кечириш баённомасида батафсил қайд этилади.

Тергов ҳаракати баённомасида кўздан кечириш ҳаракатининг тўлиқ тавсифи, қўлланилган усул ва воситалар, қандай белгиларнинг топилганлиги батафсил кўрсатилиши лозим.

Агар ҳужжат ҳар қандай фактларни тасдиқлаш воситаси сифатида намоён бўлса, унинг тасдиқловчи рол ўйнайдиган қисмларига эътибор қаратилиши керак.

Кўздан кечириш баённомасида тергов ҳаракати давомида топилган ҳамма нарса қайд қилинади ва ҳужжатнинг бевосита далил қийматига эга бўлган қисми, агар керак бўлса, сўзма-сўз баён қилиниши мумкин.

Бу орқали, агар ҳужжатларнинг фақатгина маълум қисмига далил қийматига эга бўлса, уларнинг қолган катта қисмини ишга тикилишининг олди олинади.

Айрим жиноятларни тергов қилиш жараёнида ҳайвонларни кўздан кечиришга эҳтиёж туғилиши мумкин. Бундан мақсад ҳайвонларнинг маълум бир шахс ёки хўжаликка мансублигини белгилашга имкон берувчи аломатлар ҳамда ҳайвонларни айнанлигини тасдиқлаши мумкин бўлган белгиларни аниқлашдан иборат.

“Агарда ҳужжатда кўздан кечирилаётган ҳужжатни ўрганишда махсус билимга эҳтиёж сезилса тегишли экспертиза тайинланиши талаб қилинади”.

Ҳайвонларни кўздан кечириш.

Ҳайвонларни кўздан кечиришда қуйидагилар аниқланиши керак:

а) бу қандай ҳайвон;

б) унинг жинси, ёши ва зоти;

в) ҳар бир муайян ҳайвоннинг бирон-бир хўжалик ёки шахсга тегишлилик белгилари (ҳайвонда алоҳида объектнинг мавжудлиги, бўйинбоғ, танадаги белгилар ва бошқалар.);

д) “ҳайвоннинг ранги, шикаст етиши ёки анатомик хусусиятлари туфайли вужудга келган алоҳида белгилари” .

Ҳайвоннинг бундай белгиларини энг тўлиқ ва батафсил аниқлаш ҳамда уларни баённомага тўғри киритиш учун мутахассис ёки ҳайвонот боғи мутахассисини жалб қилиш тавсия этилади.

Бинолар ва иншоотларни кўздан кечириш.

“Ҳодиса жойи бўлмаган бинолар ва ҳудудларни текширишга келсак, турли омбор, саноат ёки тижорат бинолари, турли жойлар ёки ҳудудлар (масалан, жиноятчининг шериклари билан учрашув жойи) бундай текширув объектлари сифатида намоён бўлади” . Бундай ҳудудларни кўздан кечириш ҳодиса жойини кўздан кечириш тактикаси орқали амалга оширилади.

Ҳодиса содир этилмаган жой бўлмаган бино ва ер участкаларни кўздан кечириш. Жиноятларни тергов қилиш давомида бундай жойларни кўздан кечириш зарурияти туғилади. Улар турли хил мақсадларда бўлиши мумкин.

Оддий кўздан кечириш муайян маълумотни текшириш, расмий ҳужжатларни олиш, гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчи, гумон қилинувчи кўрсатмаларини ўрганиш мақсадида ўтказилади. Масалан, гумонланувчи аниқ бир уйнинг омборхонасида бир неча кун бўлганлигини айтди. Кўздан кечириш давомида гумонланувчини айтганларини тасдиқловчи изларни топишга урғу берилади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, батафсил кўздан кечириш иш бўйича

далилий аҳамиятга эга бино ёки ер участкаларидаги тафсилотларни аниқлаштириш учун ўтказилади.

Мурдани кўздан кечириш.

Мурдани илк бор кўздан кечириш жараёни икки босқичдан иборат: умумий ва батафсил шаклда. Ушбу ҳаракат, албатта, шифокорнинг иштирокида (суд-тиббиёт соҳасидаги кўнгилли мутахассис) ўтказилади.

Умумий кўздан кечириш давомида қуйидагилар ўрганилади ва аниқланади: мурданинг ўрни (полда, ерда, каравот устида ва бошқалар); бошнинг устки қисми, тўпикдан бошлаб тананинг бошқа ҳаракатсиз қисмларигача бўлган масофа; мурданинг бошқа қисмлари орасидаги масофа. Шунингдек, ўлим содир бўлгандан сўнг мурдада вужудга келиши мумкин бўлган эҳтимолий ўзгаришлар ҳақида хулоса қилиш лозим бўлади.

Баённоманинг кириш қисмида атмосфера шароити, мурданинг ўлим фактига таъсир этувчи омиллар (ҳаво ҳарорати, намлик, шамолнинг йўналиши, мавжуд бошқа белгилар) ўз ифодасини топиши лозим. Агар мурдада уни ўлимга сабаб бўлган қурол (бўйиндан тортилган сиртмоқ ёки пичоқ) топиладиган бўлса, мурдани кўздан кечириш мобайнида ушбу воситанинг мурдадаги ҳолати, умумий ва индивидуал белгилари аниқланади.

Синчковлик билан кўздан кечириш эса мурда эғнидаги кийимлар, улардаги ва мурдадаги жароҳатлар, шунингдек, умумий ва индивидуал белгиларнинг мувофиқлигини ойдинлаштиришни ўз ичига олади. Мурдани кўздан кечириш, бундан ташқари, тананинг қолган қисмлари ва кийимлардаги жиноятчи томонидан қолдирилган эҳтимолий изларни (ягона, тўқимачилик толалари, соч, микрообъектлар) топиш учун ҳам ўтказилади. Аммо бундай излар осонгина йўқолиши мумкин, шунинг учун уларни сақлаш чораларини таъминлаш ҳам зарур. Кейин эса мурданинг дастлабки турган ҳолатини ўзгартириш, унинг кийимларини ечиш мумкин бўлади. Баённомага мурданинг ҳарорати ва ҳолати киритилади.

Мурданинг жойлашган позаси мурдани кўздан кечириш вақтида албатта текширилиши лозим. Умумий текширув мурданинг жойлашиши, ҳолати, қадди-қомати ва унинг умумий кўринишини аниқлашдан бошланади. Бу воқеа механизми билан боғлиқ версияларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Мурданинг жойлашган жойи энг яқин кўчмас объектлар (дераза, девор, йўл, дарахт ва бошқалар)га нисбатан тасвирланади. Мурдани ноодатий позада жойлашишига сабаб бўлган объектлар ҳам кўздан кечирилади ва батафсил таърифланади.

Танани кўздан кечириш муайян бир тартибда амалга оширилади: юқоридан пастга қараб. Аввало, бошнинг соч қисмини ўрганишдан бошланади. Мурданинг умумий ҳолати босқичлари аниқланиши лозим (яъни тананинг эрта даврини характерловчи совиш, кечки давр белгилари чириш ва.ҳ.к.). Ундан сўнг эса мурданинг кийимлари ва жароҳатлар синчковлик билан кенг масштабда суратга олинади.

Шунингдек, мурда ётган жойни ҳам кўриб чиқиш тавсия қилинади. Бунда мурданинг остида қон доғлари бўлса, фақат у ёйилган юза эмас, балки шу қон майдонининг чуқурлигини текшириш орқали айнан қанча миқдордаги қон мурда танасидан оқиб чиққанлигини аниқлаш имконияти вужудга келади.

Агар мурда касалхонада ёки мурдани текшириш махсус хонаси (морфология бўлими)да бўладиган бўлса, у алоҳида баённома орқали расмийлаштирилади. Қолган барча ҳолатларда зарур маълумотлар воқеа содир бўлган муайян жойда баённомага киритилади. Бундан ташқари, мурданинг кийими ва танасининг контур схемаларидан олинган излар ҳақидаги маълумотлар баённомада акс

эттирилиши муҳим саналади. Чизмалар ва фотосуратлар ҳам киритилади. Чизма ва суратлар ҳам протоколга илова қилинади.

Синчковлик билан кўздан кечириш ҳаракати бир қатор саволларга жавоб олиш мақсадида ўтказилади: масалан, топилган мурда ўлими ўз жонига қасд қилишми ёки ўлдириш факти ҳам мавжудми.

Мурдани кўздан кечириш давомида унинг тирноқ остидаги таркибини ўрганиш орқали ҳам экспертиза текшируви учун намуналар олинади. Шунингдек, қўл ва лаб усти текширилади ва ювиб ташланади (ўлим факти ўз жонига қасд қилиш ёки ўлимнинг турли хилдаги гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиш натижасида юз берган ёки бермаганлиги ҳолатида). Мурдани текшириш яъни морфология бўлими (МОРГ)га юборишдан олдин танадаги ва кийимдаги микроорганизмларни сақлаб қолиш мақсадида уларни пластик пакетларга солиш ва бу ҳақда баённомага киритиб қўйиши керак.

Агар мурдани жўнатиш кечикадиган бўлса, унда дактилоскопик экспертиза ўтказиш; шунингдек, қондан намуналар, кийимдан парчалар олиш; суратга тушириш лозим. Бундан ташқари, агар мурда дафн этилган бўлса, мурдани эксгумация қилиб дафн этилган жойидан уни кўздан кечириш ёки экспертиза ўтказиш мақсадида чиқариб олиш учун тегишли қарор чиқариш керак.

Ҳодиса жойидан топилган мурдадаги доғларнинг характери ва жойлашуви уни ҳаракатлантирилганлигидан далолат бериши мумкин. Бундай ҳаракатлар натижасида улар ўлимдан кейинги дастлабки 8 соат давомида тананинг маълум қисмларида йўқолиши ёки пайдо бўлиши мумкин. 12 соатдан кейин эса мурда доғлари бундай ҳаракатлар билан йўқолмайди, фақат қисман ўзгаради. Мурда жойлашган юза ҳам диққат билан ўрганилиб, мурданинг терисидан топилган предметлар излари билан солиштирилади. Улар фарқланса ҳам бу мурданинг ҳаракатлантирилганидан далолат беради. Шунингдек, мурда совишининг бузилиши ва танадаги муайян излар мурданинг судралгани ёки ҳаракатлантирилганининг исботидир. Воқеа механизмини аниқлашда мурданинг ташқи кўриниши ва кийими муҳим рол ўйнайди. Ўлимга сабаб бўлган асбоблари мурдани кўздан кечириш пайтида фақат мурдага бевосита тегиб турганида ёки унда бўлганида (бўйнидаги арқон) кўздан кечирилиши лозим.

Агар қурол мурданинг ўзига механик равишда бириккан бўлса (танасидаги пичоқ), қуролларнинг ҳолати ва жойи ўзгармаслиги учун мурдадаги кийим кўздан кечирилишидан олдин қуролни кўздан кечириш керак.

Мурданинг ташқи ҳолати кўздан кечирилганидан сўнг унинг ётишини кўздан кечириш керак. Бу мурдани кўтариш ва ҳаракатлантириш йўли билан ўтказилади. Мурдани судраш ёки ағдаришга йўл қўйилмайди, чунки унинг остидаги элементлар иш учун муҳим рол ўйнаши ва мурданинг асл жойлашувини муҳокама қилишга имкон бермаслиги мумкин.

Мурдани ташқи томондан кўздан кечиргандан сўнг у ечинтириб олинади ва ҳар бир кийим бўлаги алоҳида, сўнгра бошқа буюмлар билан биргаликда кўриб чиқилади. “Кийимни кўздан кечиришда мурда учун унинг ўлчамларининг мос келиши, кийимларнинг барча қисмлари мурдада бўлиши, мурда кийимларининг чўнтакларида ва бошқа қисмларида қандай буюмлар бор-йўқлиги, мурда кийимида қандай доғ ва шикаст етган жойлар борлиги, кийимларда қандайдир ҳид бор-йўқлиги, пастки устки кийимнинг сифати ва бошқалар аниқланади”.

Мурданинг танаси маълум кетма-кетликда қисмларга бўлиб кўздан кечирилади, бу эса ҳар бир аниқ ҳолат учун энг маъқул йўл ҳисобланади. Мурданинг ёши, жинси, ўсиши, барча характерли белгилари, уларнинг жойлашуви ва мурда билан боғлиқ ҳодисалар даражаси, тишларнинг ҳолати, ҳар қандай

секреция мавжудлиги ва бошқалар аниқлади. Тан жароҳатларининг уларнинг кийимдаги излари билан мослиги солиштирилади.

Мурда кийимининг чўнтақларидан топилган буюмлар кийим билан бирга ёки танани алоҳида кўздан кечиргандан сўнг жойида кўздан кечирилиши мумкин. Шу билан бирга уларнинг ўлчами, миқдори, шакли, характери, ҳолати ва мурдадаги жойлашиши қайд этилади. Айниқса, шахси аниқланмаган жабрланувчининг мурдаси ташқи кўриниши ва кийимининг белгилари батафсил ёритилиши керак. Бундай ҳолларда кўздан кечириш якунида мурдадан албатта бармоқ излари олинади ва юзга ҳаётӣ тус берилгач, қайд этиш қоидаларига биноан суратга олинади.

Агар мурдани кўмилгандан кейин қайта кўздан кечириш ёки такрорӣ суд-тиббӣ экспертиза зарурати туғилса, “эксгумация - мурдани унинг дафн этилган жойидан тўғридан-тўғри чиқариб олиш амалга оширилиши мумкин. Терговчи эксгумация тўғрисида махсус қарор чиқаради. Эксгумация терговчи, гувоҳлар ва мутахассис (врач) иштирокида амалга оширилади”. Дастлаб тобут ёки мурданинг дафн этилган жойи умумӣ кўриниши қайд этилади, сўнг тобут, ундаги мурда ва унинг кийимлари кўздан кечирилади. Шу билан бирга, баённомада мурдаси эксгумация қилинган шахснинг кимлиги ҳақида хулоса қилиш имконини берувчи ҳаққонӣ маълумотлар акс эттирилиши муҳимдир. Эксгумация мурдани кўздан кечириш ёки суд-тиббӣ экспертизасидан олдинги ёрдамчи тергов ҳаракатидир ва маълум ҳолларда уларни ўтказишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Транспорт воситасини кўздан кечириш. Жиноят содир этилганда автоулов ҳам жиноят ҳақида маълумот бериши мумкин ҳисобланади. Унинг маълум бир нарсага (бошқа автоулов, уй, тўсиқ) нисбатан ҳолати мустаҳкамланади. “Булар фотосуратга олиш, режа чизиш, схема ва албатта баённома учун керак бўлади”.

Дастлаб автоуловнинг тури, маркаси, давлат рақами, шикаст етганлиги, излар ва ашёвий далилларнинг мавжудлиги (қон, соч, кийим бўлаклари, тана қисмлари ёки уларга тегишли моддалар, зарралар) аниқланади.

Автоулов кўздан кечирилаётганда унинг олд қисмидан бошлаб пастдан тепага қараб кўздан кечирилади.

Автоуловнинг бампери, фараси, ён чироқлар, йўналиш кўрсаткичлари, олд ойна, радиатор панжараси, машина капоти, олд машина қанотлари зарба, қон, соч аломатларини аниқлаш мақсадида кўздан кечирилади.

Шундан сўнг автоуловнинг пастки қисми кўздан кечирилади.

Шундан сўнг автоуловнинг юриш қисми (ходовой часть), машина мостлари чиқиш жойлари кўздан кечирилади. Қўл изларини эса бошқарув рули устида, асбоблар панелидан олиш мумкин. “Ҳид изларини эса ўриндиқдан топиш мумкин бўлади”.

Автоуловни кўздан кечириш жараёнида унинг тормоз тизимини, бошқарув тизимини, ёриткичларни, ойна тозалаш тизимларини, балонлар ва унинг босимини кўздан кечириш талаб қилинади.

Автоуловнинг ички қисмлари ҳам тегишли тартибда текширилади. Унда салон турли ёриткичлар билан, катталаштирувчи воситалар ёрдамида текширилади. Автоуловнинг салондан туриб бошқариш воситалари ҳам алоҳида кўздан кечирилиши талаб қилинади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, фикримизча, автоуловни кўздан кечириш деганда, автоуловнинг тури, маркаси, давлат рақами, шикаст етганлиги, излар ва ашёвий далилларнинг мавжудлиги (қон, соч, кийим бўлаклари, тана қисмлари ёки

уларга тегишли моддалар, зарралар) аниқлашга қаратилган кўздан кечиришнинг бир туридир.

Бундан ташқари юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда ЖПКга “Транспорт воситасини кўздан кечириш” деб номланган 1381-модда киритиб, уни қуйидаги мазмунда акс эттириш талаб қилинади:

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва суд транспорт воситасини у топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечирадилар.

Кўздан кечириш техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириш талаб қилинганда ундаги жиҳозлар ва воситаларнинг бутунлигига зарар етказилмаслиги талаб қилинади.

Рақамли маълумот ташувчиларни кўздан кечириш. Рақамли ташувчилар деганда ўзида ҳар қандай рақамли маълумотни сақловчи воситаларга айтилади. **Ушбу маълумотлар эса рақамли далиллар ҳисобланади.** Шон Гудисон, Роберт Девис, Брайнлар рақамли далил деганда шахслар ва ҳодисаларни вақт ва муҳитдаги сабабий боғланишларини аниқлашга қаратилган ахборотдир, деб ҳисоблайди. “Мазкур далиллар кенг миқёсли характерга эга бўлиб, улар ўзига хос таъсирчан, мобил ва моддий далилларга нисбатан махсус тайёргарлик ва воситаларни талаб қилади”, деган фикрни илгари суришган. Ушбу таъриф умумий хусусиятга эга бўлиб, уни анъанавий далил турларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. “Шу боис, унда рақамли далилларга хос бўлган хусусиятлари етарлича акс этмаган”.

Рақамли ташувчи тушунчаси ва уни кўздан кечириш масаласи ЖПКда мавжуд эмаслиги сабабли амалиётда бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Фикримизча, ЖПКга “Рақамли маълумот ташувчиларни кўздан кечириш” деб номланган қуйидаги мазмундаги 1401-модда киритиш таклиф қилинади:

“Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд рақамли маълумот ташувчиларни улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечирадилар.

Кўздан кечириш жараёни махсус билим талаб қилинганда мутахассис, эксперт ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Кўздан кечириш техник воситалардан фойдаланилган ҳолда, башарти рақамли маълумотлар йўқолишига ёхуд шикастланишига олиб келмаса, ўтказилиши мумкин.

Рақамли маълумот ташувчиларни кўздан кечириш жараёни видеотасвирга олиниши мумкин”.

Рақамли далилларни кўздан кечириш жараёнида олиш тартиби алгоритми муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Фикримизча, рақамли маълумотларни олиш учун рақамли далилларни кўздан кечиришда амалга ошириладиган ҳаракатлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- рақамли (медиа) қурилмалар сақланадиган жой хавфсизлигини назорат қилиш;
- ҳодиса жойига ким масъул эканлигини аниқлаш;
- бегона одамларнинг электр таъминоти ва қурилмалардан узоқда бўлишини таъминлаш;

- ҳодиса жойига кириш ҳуқуқига эга ёки шу жойга алоқадор бўлган шахсларни ҳужжат асосида расмийлаштириш;
- агар қурилма ёқилган бўлса, уни ўчирмаслик ва қурилма ўчирилган бўлса, уни ёқмаслик чораларини кўриш;
- барча компонентлар ва кабелларни асл ҳолатида воқеа жойида (масалан, диаграмма, расм ёки видео тасвирини) ҳужжатлаштириш;
- видеокамера бўлмаса, тизимнинг уланиш диаграммасини чизиш ва тизимни текшириб, кейинчалик тиклаш учун портлар ва кабелларни белгилаш;
- эслатма (ёзувлар), кундалик, ҳужжат, ноутбук, муҳим маълумотларга эга бўлган аппарат ва бошқа объектларни қидириб топиш;
- олинган далилий ашёларни расмийлаштириш.
- Қадоқлаш жараёни:
- рақамли далилларни ушлашда албатта қўлқопдан фойдаланиш;
- ашёни қадоқлашдан олдин тўғри ҳужжатлаштирилганлиги, маркаланганлиги, тамғаланганлиги, фотосуратга олинганлиги, ёзилганлиги, видеотасвирга ёзиб олинганлиги ва инвентаризация қилинганлигига эътибор бериш;
- мобил телефонни имкони борича парвоз ҳолатига (авиарежим) ўтказиш, агар иложи бўлмаса, уни ўзлигича қолдириш, телефон батареясини олиб ташламаслик;
- дастлаб барча рақамли далилларни антистатик (фарадей) пакетига қадоқлаш;
- агар фарадей пакети бўлмаса, рақамли далил воситасини частотали ҳимоя материаллари ёки алюминий фольга каби сигнал блоклаш материалига жойлаштириш;
- антистатик пакет бўлмаса, рақамли далилларни тўплаш учун фақат қоғоз пакет ва конвертлар, картон қутилар ва антистатик идишлардан ҳам фойдаланиш, пластик материаллардан эса фойдаланмаслик;
- барча қадоқланган электрон қурилмалар учун текширув жойида мавжуд бўлган ҳамма қувват манбалари ва адаптерларни йиғиш.

Гувоҳлантириш, аниқроғи тирик инсон танасини кўздан кечириш, кўздан кечириш тергов ҳаракатидан фарқ қилади. Бу тергов ҳаракати махсус қарор билан шифокор иштирокида гумонланувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар билан ўтказилади.

Бошқа жинсдаги шахсни гувоҳлантиришда терговчи иштирок этмайди. Бундай ҳолларда, гувоҳлантириш ҳаракати шифокор томонидан гувоҳлантириладиган шахс билан бир хил жинсда бўлган гувоҳлар иштирокида амалга оширилади. Гувоҳлантириш гумон қилинувчининг (айбланувчи, жабрланувчи) танасида жиноят излари ёки бошқа алоҳида унсурларнинг туғма эканлиги ёки бошқа хил ҳаракатнинг натижаси бўлган ёки бўлмаганлиги аниқлаш мақсадида ўтказилади. Гувоҳлантириш ҳаракатининг қанчалик муваффақиятли бўлиши унга тайёргарлик кўриш даражаси билан белгиланади.

Гувоҳлантиришга тайёргарлик кўришда қуйидагиларни ҳисобга олиш тавсия қилинади:

- гувоҳлантириш ўтказишнинг тартиб-тамомойилларни ўрганиш ва уларга риоя қилиш;
- ушбу тергов ҳаракатини амалга ошириш тактикасини белгилаш, вазиятнинг табиатини ҳисобга олган ҳолда изларни қаердан, қандай излаш лозимлигини чуқур ўрганиш;

- тергов ҳаракатини ўтказишга эга қулай вақтини ва жойни танлай билиш;
- зарур техника воситаларини тайёрлаш.

Текширув вақтида тананинг қисман (танланган) ёки тўлиқ текширишга рухсат берилади.

Гувоҳлантириш ўтказишда барча муқобил ҳаракатларни олдиндан ўйлаб қўйиш лозим, масалан, гувоҳлантирувчи шахснинг процедурадан бош тортиши ва шифокорни олдин чақириш ва ҳоказолар. Шифокор ушбу тергов ҳаракатида гувоҳ вазифасини ўташи (бу баённомага киритилиши лозим) ва у қўлланилаётган ҳаракатлар шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига хавфли эмаслигини текшириши лозим.

Гувоҳлантиришдан олдин, белгиланганидек, қарор чиқариш, унда гувоҳлантириш ким томонидан ўтказилиши, нима текширилиши ва қандай текширилиши ёритиб ўтилган бўлиши керак. Гумонланувчи (айбланувчи) га текширув ўтказишдан бош тортиш мажбурий чоралар қўлланилишига олиб келиши ҳақида огоҳлантириш лозим. Гувоҳлантиришни ўтказувчи шахс танани кўздан кечириш иштирокчилари кузатувида ҳаракатлар кетма-кетлигига амал қилиши, изларни эътибор билан аниқлаши лозим. Изларни (микроизлар) олишда шошқалоқлик ва бепарволик унинг кейинчалик қабул қилинмаслигига сабаб бўлади.

Ҳар бир алоҳида ҳолатда текширувнинг тактик усуллари танлаш уни амалга ошириш жараёнида ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар доираси билан белгиланади. Мисол учун, тананинг алоҳида қисмлари йўқлиги, уларнинг нотўғри ривожланиши, чандиқ, патологик пигментация ёки татуировка мавжудлиги каби махсус белгиларни визуал текшириш орқали аниқлаш мумкин. Ўчириб ташланган татуировка изларини махсус электрон-оптик мослама ёрдамида топиш мумкин.

Шундай қилиб, кўздан кечириш тергов ҳаракати давомида турли хил далилларни аниқлашда қўлланиладиган илмий-техник воситаларнинг имконияти кўздан кечириш ҳаракатларининг самарадорлигини сезиларли даражада оширишидан далолат бериши мумкин.

Баъзида, кўздан кечиришнинг мустақил тури сифатида почта ва телеграф жўнатмаларини, шунингдек телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмаларини орқали ёзиб олинган ёзувларни ва рақамли қурилмаларни кўздан кечириш билан ажралиб туриши мумкин.

Бизга бу ёндашув тўғри эмасдек туюлади, чунки криминалистик нуқтаи назардан почта ва телеграф жўнатмалари, шунингдек, фонограммаларни кўздан кечириш, аслида, ҳужжатлар ёки нарсаларни кўздан кечиришдан бошқа нарса эмас. “Бироқ, почта ва телеграф жўнатмалари, шунингдек телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмаларини орқали ёзиб олинган ёзувларни кўздан кечириш - мустақил тергов ҳаракатларидир”. Уларнинг ажралмас элементи кўздан кечириш эканлиги, юқорида айтилганларни ҳеч қандай тарзда рад этмайди. Кўпроқ ёки камроқ даражада кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатларининг ҳам элементи ҳисобланади. (масалан, тинтув, олиб қўйиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, таниб олиш учун кўрсатиш ва ҳ.к.). Бироқ, бу уларнинг мустақил аҳамиятини камайтирмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Чернышев М.А. Осмотр места происшествия как базовая тактическая операция. Курский государственном техническом университет. Москва – 2008. 23 с.

2. Гульянц А.Г. Основные направления повышения эффективности осмотра места происшествия. Диссертации 12.00.09, кандидат юридических наук кандидат юридических наук. – Москва. 2005 г. 32 с.
3. Белкин Р.С. Указ. соч. С. 152; Ищенко Е.П. Указ. соч. С. 128; Криминалистика / Под ред А.Г. Филиппова. 3-е изд., перераб. и доп. М., 2004. С. 212.
4. Криминалистика: Учебник. 2-е изд., доп. и перераб. / Под ред. А.А. Закатова, Б.П. Смагоринского. М., 2003. С. 129; Криминалистика / Под ред. А.Г. Филиппова. С. 212; Руководство по расследованию преступлений. М., 2002. С. 389.
5. Криминалистика / Под ред. А.А. Закатова, Б.П. Смагоринского. С. 129.
6. Белкин Р. С. Указ. соч. С. 152; Колмаков В.П. Указ. соч. С. 27; Криминалистика / Под ред. А. В. Дулова. Минск, 1998. С. 290-291; Учебник уголовного процесса / Отв. ред. А.С. Кобликов. М., 1995. С. 187; Криминалистика / Под ред. А. Г. Филиппова. С. 212.
7. Зеленский В. Д. Криминалистика: учебник / В. Д. Зеленский, Г. М. Мереутков. - СПб.: Юридический центр-Пресс, 2015. - с. 144
8. Мамонов В.С. Уголовно-процессуальные и криминалистические аспекты осмотра места происшествия в современных условиях. На соискания кандидата юридических наук. Краснодар. 2008 г. 45 с.
9. Аверьянова Т.В., Белкин Р.С., Корухов Ю.Г., Российская Е.Р. Криминалистика. Учебник для вузов. Под ред. Р.С. Белкина. - М., 1999.
10. Аверьянова Т.В. и др. Криминалистика. Учебник для вузов / под ред. Р.С. Белкина. 2-е изд., перераб. и доп. М., Изд-во «Норма», 2005. -С 155.
11. Бабаева Э.У. Некоторые общие положения осмотра места происшествия // Осмотр места происшествия: практическое пособие / Под ред. А.И. Дворкина. М., Юристь, 2000. -С 59.
12. Основы криминалистики. Курс лекций. - М., 2001. -С 58.
13. Базарова Д.Б. ва муаллифлар жамоаси. Криминалистика. Дарслик. 2015 й. 197 б.
14. Кадатенко Е.П. Принципы осмотра места происшествия как основополагающие требования при его производстве. Вестник Академии экономической безопасности МВД России. 2011. 78 с.
15. Базарова Д.Б. ва муаллифлар жамоаси. Криминалистика. Дарслик. 2015 й. 198 б.
16. Следы на месте происшествия. Справочник следователя. / Под ред. В.Ф. Статкуса. - М.: ЭКЦ МВД России, 1991. -С 53.
17. Осмотр трупа со следами насилия (криминалистическая тактика). Учеб. пособие. - Домодедово, 1999. -С 102.
18. Степанов В.В. Место происшествия как информационная система // Теория и практика криминалистики и судебной экспертизы. Саратов, 2002. Вып. 11. С. 11-12.
19. Юридический энциклопедический словарь. М., 1987. С. 281.
20. Баев О.Я. Тактика следственных действий. Воронеж, 1995. С. 23; Юридический энциклопедический словарь. С. 281; Максудов И.Х. Осмотр места происшествия. Л., 1965. С. 21-22; Белкин А.Р. Теория доказывания. М., 1999. С. 354.
21. Колесникова М. М. Особенности проведения осмотра как тактика следственных действий в процессе получения доказательств по делам о таможенных преступлениях / М. М. Колесникова // Российский следователь. - 2010. - № 6. - С. 2-5.
22. Гаврилин Ю.В., Победкин А.В., Яшин В.Н. Следственные действия: Учебное пособие. М.: МосУ МВД России; Книжный мир, 2006. С. 23.

23. Арестова Е.Н. Производство дознавателем следственных действий // СПС "КонсультантПлюс", 2007.
24. Костенко К.А., Авдеева Е.В. Осмотр и изъятия предметов и документов в стадии возбуждения уголовного дела. Уголовное судопроизводство. Общество и право. 2017. №4 (62) 130 с.
25. Шумилин С.Ф., Завидов Б.Д. Правовые проблемы следственного осмотра // СПС "КонсультантПлюс", 2003. 28 с.
26. Коровин Н. К. Криминалистическая тактика: учебное пособие / Н. К. Коровин. - Новосибирск: Изд-во НГТУ, 2014. - с. 58; <https://pravo.bobrodobro.ru/57923>.
27. Крепышева С. К. Тактика следственного осмотра и освидетельствования: лекционный материал / С. К. Крепышева. - Н. Новгород: Нижегородская академия МВД России. 2011 г. - с. 18
28. Криминалистика: учебник / А.Г.Филлипов, В.В.Афганов, Н.А.Бурнашев [и др.]. - М.: Юрайт, 2015. - с. 301
29. Логинов Е. А. Криминалистика: учебное пособие / Е. А. Логинов. - Одинцово: ОГУ, 2014. - с. 151
30. Дворкин А.И. Осмотр места происшествия: Практическое пособие — М.: Юристъ. — 336 с. — «Библиотека следователя». 2001.
31. Волков А.С., Коссович А.А. Осмотр места происшествия при расследовании дорожнотранспортных преступлений: Методические рекомендации. - Саратов: СЮИ МВД России, 2010. - 76 с.
32. Sean E. Goodison, Robert C. Davis, and Brian A. Jackson. Digital Evidence and the U.S. Criminal Justice System - Identifying Technology and Other Needs to More Effectively Acquire and Utilize Digital Evidence. 2015.
33. Астанов И.Р., Хамидов Б. Общетеоретические вопросы, связанные с электронными или цифровыми доказательствами: проблема и решение. Выпуск 2 7/S (2021): Спецвыпуск междисциплинарного электронного научного журнала «Общество и инновации». inScience.uz